

“Тасдиқлайман”

Тошкент вилояти экология ва атроф-  
муҳитни муҳофаза қилиш Бошқармаси  
бошлиғи Б.М.Жураев

“12” August 2022 йил

Энг яхши таклифни танлаш бўйича Харид қилиш хужжатлари

№	Номи	Изоҳ
1	Танлов ўтказиш усули	Энг яхши таклифларни танлаб олиш, балл услуги. Иштирокчилар томонидан <a href="https://etender.uzex.uz/">https://etender.uzex.uz/</a> портали орқали электрон тарзда тақдим этилган хужжатларнинг техник қисмлари комиссия аъзолари томонидан сифат ва ишончилиги ўрганилиб баҳоланади, нарх қисми эса электрон тизим орқали баҳоланади. Энг юқори балл тўплаган иштирокчи ғолиб бўлади
2	Иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган таклифларни қабул Қилиш муддати	Эълон порталга жойлаштирилган кундан бошлаб, порталда белгиланган вақтгача
3	Хужжатларни тайёрлаш тили	Ўзбек тили, Рус тили
4	Боғланиш учун алоқа маълумотлари	Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Бошқармаси Бошлиғи Б.М.Жураев. Тел: 97 555 75 00
5	Буюрмачи манзили	Тошкент Шаҳар Бектемир тумани Хусайн Байқаро кўчаси 9 а уй

## Асосий талаблар

Т/Б №	Номи	Изоҳ
1	Кафолат хати	Тақдим этиладиган кафолат хатида бажарилган ишларга кафолат ҳамда белгиланган муддат ичида қилинган ишлардан нуқсонлар ва камчилликлар аниқланса Уларни қисқа муддатда буюртмачи талабига асосан бартараф этилишини таъминлаш тўғрисида кафолат хати илова қилиниши шарт
2	Умумий маълумот	Иштирокчининг устави,гувоҳномаси ва ходимлари,шунингдек,ишларни олиб бориш жараёнида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ва механизмлар руйхати.Бунда иштирокчининг давлат руйхатидан ўтганига 6 ойдан кўп вақт ўтган бўлиши шарт.Барча маълумотлар илова қилиниши шарт
3	Қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумот	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома илова қилиниши шарт
4	Банкротлик қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи кафолат хати	Банкротлик қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи кафолат хати илова қилиниши шарт

## Таклифни расмийлаштиришга доир талаблар

Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида <https://etender.uzex.uz/> порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришлари лозим

## Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби

Иштирокчилар қўйилган талаблар учун таклиф қилинган хужжатларига, яъни техник қисмининг миқдорий кўрсаткичларига ва нарх қисмининг миқдорий кўрсаткичи учун 100 балл тўплашлари мумкин. Бунда техник қисми учун жами 90 балл нарх қисми учун 10 балл берилади.

Эслатма: Таклифлар техник қисмдаги бирорта талабларига жавоб бера олмаса иштирокчилар танловдан дицквалификация қилинади.

## Иштирокчилар билан ҳисоб-китоб тартиби

Ғолиб иштирокчи билан ҳисоб-китоб миллий валюта (сўм)да амалга оширилади. Танлов ғолибига шартнома икки томонлама имзолагандан сўнг шартнома қийматининг 30% миқдори 5 иш куни давомида тўлаб берилади. Тўловнинг қолган қисми “Бажарувчи” томонидан танловга қўйилган лойиҳа қидирув ишлари тўлиқ якунига етказилгандан сўнг тақдим этиладиган счёт-фактура ва бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома асосида амалга оширилади.

Комиссия аъзолари:

1. Бошқарма бошлиғи ўринбосари

 Л.Ш.Ў.Хасанов

2. Хўжалик ишлари мудир

И.П.Юнусов

3. Махсус ишлар бўйича бош мутахассис:

М.Омонов

4. Ижро интизомини назорат қилиш

бўлими бошлиғи:

 Ш.Шомуратов

5. Комиссия котибаси:

Д.Юлдашева